DOI: https://10.5281/zenodo.17892293

ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН АЁЛЛАРДА АГРЕССИЯ ВА ПСИХОЛОГИК ИШ

Раъно Исмайлова

Альфраганус университети Психология кафедраси доценти, пс.ф.н

Севинч Махмудова

Альфраганус университети даволаш факультети 2 босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада оилада аёлларга нисбатан зўравонлик муаммосининг назарий ва эмпирик маълумотлар таҳлили асосида шахсга нисбатан зўравонлик намоён бўлишига таъсир кўрсатувчи омиллар, зўравонлик вазиятида жабрланувчи аёлнинг хулқ-атвор шаклини танлаши, жумладан агрессиянинг ҳимоя механизми сифатида ривожланиши ёритилади.

Калит сўзлар: оиладаги зўравонлик, жабрланувчи аёл, оиладаги зўравонлик белгилари, омиллари, оқибатлари, оиладаги зўравонлик ҳолатидаги хатти-ҳаракатлар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе анализа теоретических и эмпирических данных по проблеме насилия в отношении женщин в семье рассматриваются факторы, влияющие на проявление насилия в отношении личности, выбор формы поведения женщиной-жертвой в ситуации насилия, в том числе развитие агрессии как защитного механизма.

Ключевые слова: домашнее насилие, женщина-жертва, признаки, факторы, последствия домашнего насилия, действия в ситуации домашнего насилия.

ABSTRACT

This article, based on an analysis of theoretical and empirical data on domestic violence against women, examines the factors influencing the manifestation of violence against individuals, the choice of behavior by female victims in situations of violence, and the development of aggression as a defense mechanism.

Keywords: domestic violence, female victim, signs, factors, consequences of domestic violence, actions in situations of domestic violence.

КИРИШ

Оилада хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммоси инсоният тарихидаги энг оғриқли муаммо сифатида инсон ҳуқуқларининг чегара билмайдиган глобал ҳалокати бўлиб қолмоқда. Статистика шуни кўрсатадики, кўпинча шериклар томонидан содир этиладиган жисмоний, психологик, иқтисодий ва жинсий зўравонлик кенг тарқалган бўлиб, қотиллик каби фожиали оқибатларга олиб келади ва бутун дунё бўйлаб, жумладан, Марказий Осиёда ҳам кенг қамровли чоралар ва олдини олиш чораларини талаб қилади.

1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган БМТнинг хотин-қизлар аҳволига бағишланган IV Бутунжаҳон конференциясида бутун дунёни қамраб олган оиладаги зўравонлик тўлқинига нисбатан "эпидемия" атамаси ташвишли бонг уриб, муаммони илмий-амалий мунозаранинг олдинги қаторига олиб чиқди.[1]

Ушбу муаммонинг даолзарблиги қуйидагилар асосида белгиланади:

- оиладаги зўравонлик хусусий иш эмас, балки миллионлаб аёлларга таъсир кўрсатадиган оммавий ҳодисадир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларнинг катта қисми ҳаёти давомида турмуш ўртоғи томонидан зўравонликка дуч келади;

[1] Доклад четвёртой всемирной конференции по положению женщин (Пекин, 4-15 сентября 1995 года). Нью-Йорк: Организация объединённых наций, 1996. // https://www.un.org/ru/conferences/women/beijing1995

- оиладаги зўравонлик аёлларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг қўпол равишда бузилиши бўлиб, бу халқаро миқёсда тан олинган;

-оилавий зўравонлик нафақат жисмоний калтаклаш, балки руҳий босим, иқтисодий мажбурлаш, жинсий зўравонлик, жабрланувчиларнинг руҳияти ва фаровонлигига чуқур зарар етказувчи таҳдидлардир;

-оиладаги зўравонлик кўпинча жиддий жароҳатларга, ногиронликка олиб келади ва жуфтликдаги қотилликларнинг 80 фоизида аёллар қурбон бўлади, қотиллар эса эркаклар бўлиб, бу вазиятнинг ўта хавфлилигини таъкидлайди;

- Қонунлар қабул қилинганига қарамай, ҳақиқий ҳуқуқни қўллаш ва жабрланувчиларни ҳимоя қилиш етарли даражада эмас, бу эса профилактикани кучайтиришни талаб қилади

МЕТОДОЛОГИЯ ВА МЕТОДЛАР

Мазкур тадқиқотнинг мақсади оилавий зўравонликдан жабрланган аёлларда химоя сифатида агрессив ҳаракатларнинг намоён бўлиш ҳолатларини ўрганишдан иборат. Тадқиқот материали асосан Ўзбекистонда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш учун қабул қилинган қонунлар таҳлили, психологик ёрдам кўрсатиш соҳасида хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар, шунингдек, оилавий зўравонлик муаммосини ёритувчи расмий веб-сайтлар маълумотларига мурожаат этилди. Керакли мавзулар бўйича илмий нашрлар ва вебмаълумотлар танлаб олингандан сўнг, Ўзбекистонда статистик маълумотларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, зўравонликдан жабрланувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома ва психологик тестлар натижаларинин математик статистик таҳлили, оиладаги зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи ижтимоий психологик омиллар ва унга қарши курашиш чоралари, шунингдек, уни мамлакатдаги вазият билан таққослаш усуллари қўлланилди

Оилавий-маиший зўравонлик ва тазйиқни бошидан ўтказган хотин-қизларга профессионал, ҳуқуқий ва руҳий ёрдам кўрсатиш мақсадида психологлар, ижтимоий ишчилар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, маданият мутахассислари,

психиатрлар, неврологлар, журналистлар фаолият кўрсатмоқдалар. Маълумки, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 майдаги «Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида вазирлик қошида аввалги марказ негизида Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш республика маркази ва унинг ҳудудий ва туманлараро 29 та намунали маркази ташкил этилди. [1]

Марказларнинг асосий вазифаси, тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган, ўз жонига суиқасд қилишга мойиллиги бўлган хотин-қизларга аноним тарзда шошилинч тиббий, психологик, ижтимоий, педагогик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатишдан иборат. Ушбу ёрдам кўрсатувчи мутахассисларнинг ҳар бири ўз профили бўйича "иш жабҳаси" яъни ўзларининг мақсадлари ва вазифалари, ўз предмети ва объекти, маълум бир ваколатларни талаб қиладиган ва уларнинг касбий имкониятларининг маълум чегараларини белгилайдиган ўз технологиялари мавжуд.

Агрессия - бу шахснинг атрофдаги одамларга ёки бошқа нарсаларга жисмоний, ахлоқий ёки бошқа зарар етказишга қаратилган, уларга нисбатан зўравонликни ўз ичига олган ҳаракатларидир. Бу жамиятда инсон ҳаётининг нормалари ва қоидаларига зид бўлган, ҳужум нишонларига зарар етказадиган мотивацияланган бузғунчи хатти-ҳаракатлар сифатида таърифланади.

Агрессив хатти-ҳаракатлар мураккаб ҳодиса бўлиб, у агрессия обектлари, агрессиянинг оғирлиги, юзага келиш частотаси ва агрессив хатти-ҳаракатларнинг сабаблари ва оқибатлари каби бир нечта турли жиҳатларга эга.

Масалан, қотиллик каби жиддий агрессив ҳаракатлар агрессиянинг енгилроқ шаклларидан, масалан, туртиш ёки таҳдид қилишдан сезиларли даражада фарқ қилади, бу турдаги агрессия, шунингдек, сабаблари, тарқалиши, прогностик омиллари ва текшириш усуллари бўйича ҳам фарқ қилади.

Агрессия биологик обектларга, жумладан, одамларга хос хусусият ҳамда маълум шароитларда содир этилган ҳаракатлар сифатида намоён бўлади. Агрессияни ўзини ҳимоя қилиш ёки "қабул қилиб бўлмайдиган" бўлиши мумкин

бўлган кучли жисмоний, оғзаки ёки "рамзий" ҳаракатлар сифатида тушуниш керак. Иккинчисига вайронкор хатти-ҳаракатлар ва нафратнинг намоён бўлиши киради.

Таниқли олимлар А.К. Ленц агрессив хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий келиб чиқишини [2]ва З. Фрейд эса агрессияни биологик, инстинктив ҳодиса сифатида эътироа этадилар.[4]

К. Лоренц ҳам бу биологик ёндашуни қўллаб-қувватлаб агрессия ҳаётнинг табиати билан шартланган ва маълум зарарли стимулларга нормал реакция бўлиб, охир-оқибат турнинг сақланишига ҳисса қўшади деб таъкидлайди. [3] Э. Фромм К. Лоренцни ҳайвонларнинг хулқ-атвори ҳақидаги талқинларини инсонларнинг хулқ-атворига асоссиз равишда кенгайтиргани ва натижада инсоният жамиятидаги вайронкор тенденциялар ва зўравонликнинг "туғмалиги" ва "табиий қатъиятлилиги" ҳақидаги даъволари учун танқид қилди. Эрих Фромм ўзининг "Инсон ҳалокатининг анатомияси" асарида "хавфсиз" ва "хавфли" агрессияни ажратиб кўрсатади, биринчиси ўзини ҳимоя қилиш ва мослашишга (масалан, қарши курашишга) хизмат қилади, иккинчиси эса ҳалокатга олиб борадиган ҳалокатли, патологик туртки бўлиб, омон қолиш инстинкти билан боғлиқ эмас ва социомаданий омилларга (садизм, шафқатсизлик) асосланган, айниқса тоталитар тизимлардаги "озодликдан қочиш" контекстида яққол намоён бўлади. У ҳалокатни нафақат инстинктларда, балки характер ва жамиятда ҳам илдиз отган энг хавфли агрессия шакли деб ҳисоблаган.[5]

Аёллар томонидан оиладаги зўравонлик натижасида содир этилган қотилликлар ҳар доим тадқиқотчиларнинг эътиборини тортган. M.E. Wolfgang (1958) "аёл" қотиллиги кўпинча оиладаги низолар натижаси бўлиб, олдиндан ўйламасдан "ҳиссий портлаш пайтида" содир этилади ва одатда ошхонада қурол сифатида пичоқ билан содир бўлади, деб таъкидлаган. Эри томонидан йиллар давомида зўравонлик қурбони бўлган аёл кутилмаганда жисмоний куч ишлатиб, бу зўравонликнинг манбаи бўлган эрининг жонига қасд қилади.

Ҳозирги вақтда ЖССТ томонидан оиладаги зўравонлик ва шафқатсизлик циклининг илмий асосланган концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, узоқ муддатли виктимизация (жабрланиш) жараёнида калтакланаётган ёки психологик зўравонликка учраган аёлнинг ўзи зўравонлик манбасига айланади. Оилавий зўравонлик билан боғлиқ узоқ давом этган психоген жароҳатли вазият натижасида, калтакланган аёлнинг ўзи, айниқса, вазият томонидан яратилган босим энг юқори критик нуқтага етган пайтда, оғир агрессив хатти-ҳаракатларни содир этиши мумкин.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Оилавий зўравонликдан жабрланган аёлларнинг психологик холатлари ўрганиш жараёнида 18 ёшдан 55 ёшгача, маълумот даражаси турлича – ўрта махсус, олий маълумотли респондентлар иштирок этишди. Тадқиқот республиканинг Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида олиб борилди. Жами 209 та аёллар иштирок этдилар.

Респондентларнинг барчаси ҳаётлари давомида оилавий зўравонлик содир бўлганлигини даъво қилганлар лекин психолог ёки ижтимоий ишчилар хизматидан фойдаланмаганлар. Сўровнома ва психологик тестлар ўтказиш учун маҳаллалардаги нотинч ва низоли, зўравонлик содир этилган оила сифатида рўйхатдан олинган оилалардан тасодиф танлаш усули орқали аёллар гуруҳи шакллантирилди.

Оилада зўравонликка учраган тадқиқот иштирокчиларида Ж.Фаренбер, Х.Зарг, Р.Гампелларнинг “Фрайбург кўп омилли шахс сўровномаси” натижаларида жиззакилик аёлларда ($r=151,5$; $p<0,01$), реактив агрессивлик ($r=151,8$, - $p<0,01$) статистик аҳамиятли эканлигини кўришимиз мумкин.

Оиладаги зўравонликдан жабрланган аёллар гуруҳи билан олиб борилган психокоррекцион гуруҳда 40 та респондеет иштирок этишди. Олинган тест натижаларига кўра аёлларда жиззакилик ($n=17$) пасайиши билан мувозанатли, ўз-ўзини бошқара олишга эришганлик аҳамиятли ижтимоий фаоллик кўринишидан далолат беради. Реактив агрессивлик ($n=25$) – маълумки, бу

шкалада пасайиш ҳам унчалик ижобий бўлмаса-да, ўткир ҳаяжонга бўлган мойиллик пасайишини ижобий томонга ўзгариши деб қабул қилишимиз мумкин. Агрессияни табиий ҳис-туйғуга киритамиз, улар соғлом бўлиши мумкин, агрессияни ифодалаш ҳар доим ҳам зўравонлик эмас, лекин агрессия зўравонлик билан бирга бўлиши ва агрессиянинг ифодаси, унинг шакллари зўравонлик бўлиши мумкин. "Агрессияни бошқариш" дастурида иштирокчилар ҳис-туйғулар билан ишлашни, қаҳр, ғазабни экологик йўналишга йўналтиришни, унинг қачон пайдо бўлишини, қандай реакция эканлигини кузатишни ўрганиб, ҳис-туйғуларни зўравонликка айлантирмаслик кўникмаларини эгалладилар. Агрессия, ғазаб, жаҳл, қаҳрни бошқариш дастури нафақат тузатиш дастури, балки профилактика чораси сифатида ҳам қараш мумкин. Гуруҳ иштирокчилари билан ишлаш жараёнида энг асосийси масъулиятни ўз зиммасига олиш ва агрессия оқибатлари қандай эканлигини тушуниш ва муқобил йўл топишдир.

Оилавий зўравонлик қурбонларида агрессия доимий стресс, қўрқув ва хўрланишга иккиламчи реакция сифатида намоён бўлиши мумкин, бу асабийлашиш, ғазабнинг кучайиши (кўпинча хавфсизроқ одамларга, масалан, болаларга қаратилган), хавотирнинг кучайиши ва таҳдидга нисбатан гиперреактивлик туфайли вазиятни назорат қилишга уринишлар сифатида намоён бўлади. Бу ҳақиқий агрессия эмас, балки ҳимоя механизми ва психологик травманинг натижаси бўлиб, кўпинча ўзини паст баҳо ва айбдорлик билан бирга келади, аммо зўравонлик учун айб фақат тажовузкорда эканлигини ёдда тутиш муҳимдир. Агрессия асабийлашиш ва ғазабнинг кучайиши, аёллар онгсиз равишда ғазабни ҳеч қандай хавф туғдирмайдиганларга (болалар, яқинлар) айбдорликни бошдан кечираётганда бостирилган ҳис-туйғулар билан курашиш учун йўналтиришлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Гиперреактивлик ва назоратга эҳтиёж туфайли зўравонликнинг доимий таҳдиди нейтрал стимулларга ҳаддан ташқари реакцияга ва хавфдан қочиш учун ҳамма нарсани назорат қилиш истагига олиб келади. Зўравонни кучайишдан ёки

аксинча, можаролар пайтида "бузилишлардан" қочиш учун "тинчлантиришга" уринишлар орқали хулқ-атвор ўзгаришлари юзага келади.

Қўрқув, уят, хўрланиш, умидсизлик, ўзига паст баҳо бериш, тахмин қилиш, бу эса ўз навбатида зўравонлик циклини давом эттиради.

МУНОЗАРА

Ўз ҳиссий ҳолатини назорат қилиш кўникмаларини ривожлантириш, муаммоли вазиятларни конструктив ҳал қилиш кўникмалари орқали жисмоний саломатликка таҳдидларни қўллаш зарурати ўз аҳамиятини йўқотди. Шунингдек, жисмоний эркинлик устидан ҳукмронлик ва назоратга асосланган ўзаро таъсирдан қочишга ёрдам берадиган ижобий ҳамкорлик тажрибасига эга бўлдилар. Шундай қилиб, олинган натижалар аёлларда оилавий зўравонликдан тенг ҳуқуқли, ишончли муносабатларни ўрнатишга эътибор қаратишнинг ижобий динамикасини кўрсатади.

Гуруҳ билан ишлаш жараёнида шахс ҳаётида юзага келадиган муносабатларда ички зиддиятларни ҳал қилиш, ўзини ташқаридан кўриш, шерик мулоқотини эшитиш ва ҳис қилиш, ҳар қандай ҳаётий вазиятдан тажриба орттиришга ўргатиш муҳимдир. Оилавий зўравонликка учраган аёл учун гуруҳда ишлаш қуйидаги имкониятларни берди: ёпиқ оила доирасидан ташқарига чиқиш, бошқа одамларда ҳам худди шундай муаммо борлигига ишонч ҳосил қилиш, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларда кўплаб қийинчиликлар бир қолипга тушиб қолган ижтимоий-маданий муносабатлар ҳамда бузғунчи ссенарий моделлари натижаси эканлигини тушуниш, шахсий муаммоларни ҳал қилишда ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ва ҳаёт учун масъулиятни ўз зиммасига олиш. Агар гуруҳдаги кимдир ижобий натижага эришган бўлса, бу бошқа аёлларни ўз муаммоларини ҳал қилишда олдинга силжишга ва ўтмишдаги хатолардан халос бўлишга ундади. Шундай қилиб, гуруҳ ўзгаришлар учун ижобий омил ва катализатор бўлиб хизмат қилди. Аёлларга нисбатан зўравонликнинг барча турлари - ҳиссий ва вербал, жисмоний ва жинсий зўравонлик жамиятимиздаги ижтимоий муаммо бўлиб, бунда аёллар айбдор

эмас. Зўравонликдан олдинги аёлнинг ҳеч қандай хатти-ҳаракати унга нисбатан зўравонликка сабаб бўлиши мумкин эмас. Зўравонлик учун зўравонликни қилган киши жавобгардир. Шунингдек, зўравонликни бошдан кечирган аёлларга ўз тажрибаси ва шахсини баҳолашга ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳ иштирокчиси ижтимоий психологик лаётқалигини тан олиши унинг шахсий ҳурматини, ҳаётини назорат қилиш имкониятини оширади. Гуруҳ иштирокчиларининг кўпчилиги уларга нисбатан зўравонлик уларнинг шахсий муаммоси эмас, балки жамиятимиздаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг одатий усули, инсон ҳуқуқларининг бузилиши эканлигини тушунишди. Тадқиқотда когнитив хулқ-атвор терапияси асосида ишлаб чиқилган дастурнинг асосий тамойиллари оилавий зўравонликдан жабрланган шахслар билан ишлашда – фикрлар ва ҳис-туйғулар ўртасидаги чегарани аниқлаш, вазиятни нотўғри идрок этишни тўғрилаш, адекват, соғлом хатти-ҳаракат моделларини ишлаб чиқишда кенг имкониятли ёндашув ҳисобланади. Оилавий зўравонликдан жабрланган шахслар билан ишлаш жараёнида когнитив хулқ-атвор терапияси техникасидан фойдаланишда хулқ-атвор ҳиссиётлар билан боғлиқ деган концепцияга асосланган ҳолда ушбу соҳалардан бирига психологик таъсир кўрсатиш билан жабрланган шахс фаолиятининг бошқа жиҳатларига ҳам билвосита таъсир қилади деб эътироф этамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. “Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган хотин-қизларни реабилитация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2021 йилдаги ПҚ-5116-сонли Қарори// https://lex.uz/uz/docs/5426644
2. В.П.Зинченко, «Психологический словарь». - М.: 1996. – 118 с.
3. Лоренц, Конрад Агрессия / Конрад Лоренц. - М.: Римис, 2017. - 707 с.
4. Фрейд З. По ту сторону принципа наслаждения Я и Оно // Трудыразных лет: В 2 кн. Тбилиси, 1991, кн. 1, с. 159.
5. Фромм Э. натомия человеческой деструктивности: Перевод / Авт. вступ. ст. П. С. Гуревич. — М.: Республика, 1994. — 447 с